

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Ўсимликлар карантини ва
ХИМОЯСИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
институти директори в.в.б



_____ А.Анорбаев

_____ ” июнь 2022 йил

Ўсимликлар карантини ва илмий-тадқиқот институти
Ишлаб чиқариш цехини 669.5 м2 майдонда жорий таъмирлаш учун
лойиха сметасини ишлаб чиқиш хизматини бажариш учун

ТАНЛОВ ҲУЖЖАТЛАРИ

Буюртмачи: Ўсимликлар карантини ва химояси илмий-тадқиқот
институти

МУНДАРИЖА

- I. Танлов иштирокчиси учун йўл-йўрик.
- II. Танловнинг техник қисми.
- III. Танловнинг нархига оид қисми.
- IV. Шартнома лойиҳаси.

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎЛ-ЙЎРИҚ

1	Умумий қоидалар.	1.1	Мазкур танлов ҳужжати Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунининг (кейинги ўринларда – Қонун) талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган.
		1.2	<p style="text-align: center;">Танлов предмети: Ўсимликлар карантини ва илмий-тадқиқот институти</p> <p>Ишлаб чиқариш сеҳини 669.5 м2 майдонда жорий таъмирлаш учун лойиха сметасини ишлаб чиқиш хизматини бажарувчи ташкилотлар ўртасида танлов эълон қилади бажарувчи ташкилотни аниқлаш бўйича шартномани тузиш ҳуқуқи.</p>
		1.3	Бошланғич нархи: Бошланғич нархи қўшилган қиймат солиғисиз – 30 000 000 сўмни, иш ва хизматни бажариш муддати – 10 (ўн) кунни ташкил қилади.
		1.4	Танлов комиссияси йиғилиши шакли – очик ҳолатда видео тасвирга туширилган ҳолда.
2	Танлов иштирокчилари	2.1	<p>Ўсимликлар карантини ва ҳимояси илмий-тадқиқот институти (кейинги ўринларда “Буюртмачи”) ҳисобланади.</p> <p>“Буюртмачи” манзили: Қибрай тумани Бобур кучаси 4-уй</p>
		2.2	Ташкилотчининг мулоқот қилувчи шахси: К.Бобожонов
		2.3	<p>Ўсимликлар карантини ва ҳимояси илмий-тадқиқот институти танлов ташкилотчиси ҳисобланади.</p> <p>Қибрай тумани Бобур кучаси 4-уй, телефон: (95) 340-40-70.</p>
		2.4	Танлов “Буюртмачи”нинг буйруқ асосида ташкил этган комиссия томонидан ўтказилади.
3	Танлов иштирокчилари	3.1	Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар исталган юридик шахслар иштирок этиши мумкин (<u>4.2 бандда келтирилган шахслар бундан мустасно</u>).
4	Танловни ўтказиш шарти	4.1	<p>Танловда иштирок этиш учун, танлов иштирокчиси қуйидагиларни амалга ошириши лозим:</p> <p>а) танлов шартлари билан танишиш учун махсус ахборот порталида жойлаштирилган танлов ҳужжатларининг электрон нусхасини олиш (кўчириш);</p> <p>б) танлов ҳужжатлар шартларига мувофиқ танлов ҳужжатларини топшириш.</p>
		4.2	<p>Қуйидаги иштирокчиларнинг танловда қатнашишига йўл қўйилмайди:</p> <p>қайта ташкил қилинш, тугалланиш ёки банкротлик босқичини бошидан кечираётган;</p>
			“Буюртмачи” билан судда ёки ҳакамлик судда тортишаётган;
			Ноҳалол ижрочиларнинг ягона рўйхатига киритилган;
			солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича қарздорлиги бор;
			имтиёзли солиқ режимини берувчи ва/ёки молиявий

			амалиётларни ўтказишда маълумотларни ошкор қилиш ва беришни кўзда тутмайдиган давлатлар ёки ҳудудларда (оффшор зоналар) рўйхатдан ўтган ва банк ҳисоб-ракамларига эга бўлган.
		4.3	<p>Буюртмачи қуйидаги ҳолларда иштирокчини танловда катнашиш таомилида иштирок этишдан четлаштиради:</p> <p>Иштирокчи тўғридан-тўғри ёки воситали тарзда буюртмачининг, ёки бошқа давлат органининг ҳозирги мансабдор шахсига ёки собиқ ходимига давлат харидлари жараёнида бирон-бир ҳаракатни амалга ошириш, қарор қабул қилиш ёки бирон-бир танлов таомилини қўллашга таъсир кўрсатиш мақсадида ҳар қандай шаклдаги мукофот, ишга олишни ёки ҳар қандай қимматбаҳо буюм ёки хизмат кўрсатишни таклиф қилган, берган ёки бунга рози бўлган тақдирда;</p>
		4.4	Иштирокчи адолатсиз танлов устунлигига эга бўлса ёки қонунга зид бўлган манфаатлар тўкнашуви мавжуд бўлса.
5	Танлов тили.	5.1	Танлов таклифи, иштирокчи ва буюртмачи томонидан амалга ошириладиган у билан боғлиқ бўлган барча ёзишмалар, ҳужжатлар ўзбек тилида бўлиши керак.
6	Танлов таклифи ва уни расмийлаштириш тартиби	6.1	Порталда эълон қилинган танлов иштирокчилари, ўз таклифларини эълонда белгиланган тартибда электрон шаклда тақдим қилади.
		6.2	Танлов иштирокчиларига таклифларни варақлари тикилган, номер қўйилган, иштирокчи ваколатли шахс имзоси билан тасдиқланган ёки таклифнинг ҳар бир бети имзоланган ҳолда тақдим этиш тавсия қилинади.
		6.3	Иштирокчининг танлов таклифи танлов комиссияси томонидан ишчи органга портал орқали электрон юборади. Танлов таклифи берилиши санаси ва вақти ишчи орган томонидан танлов таклифларини рўйхатга олиш журналида қайд қилинади ва иштирокчи ваколатли шахс имзоси билан тасдиқланади (агарда у мавжуд бўлса).
		6.4	<p>Танлов иштирокчиси:</p> <p>тақдим қилаётган маълумот ва ҳужжатларининг ҳақиқий ва ишончлилиги учун маъсул ҳисобланади;</p> <p>тақдим қилинган таклифни бундай таклифларни бериш муддати тугагунча қайтариб олиш ёки унга ўзгартириш киритишга ҳақли.</p>
		6.5	Танлов таклифи танлов шартларига мос бўлган ва қуйидаги маълумотларни қамраб олувчи нархга оид қисмдан ташкил топади: хизматнинг номланиши, хизмат кўрсатиш қиймати, якуний сумма, тўлов шартлари, таклифнинг амал қилиши муддати ва х.з.
		6.7	Танлов таклифи портал орқали тақдим қилинади (тижорат таклифлари муҳрланган бўлиши шарт).
		6.8	<p>Тижорат таклифида қуйидагилар бўлиши керак:</p> <ul style="list-style-type: none"> - танлов предметининг номланиши; - иштирокчининг номланиши; - буюртмачининг номланиши ва унинг манзили;

		6.9	Нархга оид таклифлар мавжудлигига талаблар: Нархга оид таклиф йўриқнома талабларига мувофик холда.
		6.10	Ишчи орган ушбу йўриқнома талабларига мос равишда расмийлаштирилган, танлов таклифлар учун масъул ҳисобланади.
		6.11	Танлов таклифлари <u>2022 йил «6» июнь соат 16:00 гача қуйидаги манзил бўйича қабул қилинади:</u> Қибрай тумани Бобур кучаси 4-уй. Танлов комиссияси йиғилиши ўтказиладиган вақт <u>2022 йил «8» апрел соат 15:00.</u>
		6.12	Иштирокчилар танлов таклифлари амал қилиши муддати тақдим қилинган танлов таклифлари тақдим қилиниши тугалланган кундан 10 кундан ошмаслиги керак.
7	Тақдим қилинган танлов таклифлари муддатини узайтириш	7.1	Зарур ҳолларда, буюртмачи танлов таклифларини тақдим қилиш муддатини узайтириши, шунингдек танлов иштирокчиларига танлов комиссияси қарорига кўра таклифлари амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги таклиф билан муурожаат қилиши мумкин.
		7.2	Танлов таклифларини тақдим қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги эълон махсус ахборот порталда жойлаштирилади ва бошқа ОАВ да эълон қилинади.
8	Танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш	8.1	Зарур ҳолларда буюртмачи танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш ҳақида қарор қабул қилиши мумкин. Танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш ҳақида қарор таклифларни тақдим қилиш муддати тугашидан камида уч кун аввал қабул қилиниши мумкин. Танлов таклифларига ўзгартишлар киритиш жараёнида Махсулот (ишлар, хизматлар) ёки уларнинг тавсифлари ўзгартирилишига йўл қўйилмайди. Таклифларни бериш муддати тугаган пайтда танлов ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилганда танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан бошлаб, камида ўн кунга узайтирилади. Айни пайтда эълонда кўрсатилган маълумот ўзгартирилган тақдирда, танловни ўтказиш ҳақидаги эълонга ҳам ўзгартишлар киритилади.
9	Танлов таклифлари электрон қабул қилиш тамоиллари	9.1	Эълонда танловни ўтказиш санаси сифатида кўрсатилган вақтда танлов таклифларини танлов комиссияси томонидан танлов иштирокчилари берган таклифлар электрон порталдан олинади.
		9.2	Танлов иштирокчилари таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш муддати танлов таклифлари берилиши якунланган санадан бошлаб ўн кундан ошмаслиги керак.

	9.3	Таклифлар электрон юборилганда барча ҳужжатларнинг борлиги ва улар тўғри расмийлаштирилганлиги текширилади. Электрон таклифда тегишли ҳужжатлар бўлмаган тақдирда танлов комиссияси уни кўриб чиқиш ва баҳолашга қўймасликка ҳақли.
	9.4	Танлов комиссияси рад қилинмаган таклифларни танлов ҳужжатида кўрсатилган мезонлар асосида танлов ғолибини аниқлайди.
	9.5	Танлов иштирокчиси тақдим қилган ҳужжатлардаги маълумотларнинг сохталиги аниқланса, танлов комиссияси бундай иштирокчини танловда иштирок этишдан четлаштиришга ҳақли.
	9.6	Танлов таклифлари асосида танлов ғолибини аниқлаш танлов ҳужжатида баён қилинган мезонлар асосида амалга оширилади.
	9.7	Таклиф Қонун, қарор ва танлов ҳужжатлари талабларига жавоб берса, тегишли тарзда расмийлаштирилган деб ҳисобланади.
	9.8	Танлов комиссияси таклифни берган танлов иштирокчиси Қонун, қарор ва танлов ҳужжатлари талабларига жавоб бермаса, ёки танлов иштирокчисининг таклифи танлов ҳужжатлари талабларига мос бўлмаса, таклифни рад этади.
	9.9	Танлов таклифларини ўрганишда танлов комиссияси танлов иштирокчиларидан уларнинг танлов таклифлари бўйича тушунтиришлар сўраб олишга ҳақли. Ушбу таомил расмий равишда, ёзма шаклда танлов иштирокчилари орқали ўтказилади. Тушунтириш жараёнида таклифни мазмуни, шунингдек нархи бўйича бирон-бир ўзгартиш киритилишига йўл қўйилмайди.
	9.10	Агар танлов иштирокчилари танлов таклифларини турли валюталарда кўрсатса, таклифлар суммалари уларни баҳолаш пайтида таклиф юборилган сана бўйича танлов таклифининг нархга оид қисми билан бирга Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси бўйича ягона валютада ҳисоб-китоб қилинади.
	9.11	Танлов ҳужжатлари ва таклифларида кўрсатилган мезонлар асосида шартномани бажариш бўйича энг яхши шартларни таклиф қилган танлов иштирокчиси ғолиб деб топилади.
	9.12	Арифметик ёки бошқа хатолар мавжуд бўлган тақдирда танлов комиссияси, бу ҳақда танлов иштирокчисини хабардор қилгани ҳолда, танлов таклифини рад этишга ёки уларни келгусида кўриб чиқиш бўйича бошқа шартларни белгилашга ҳақли.
	9.13	Танловнинг хорижий ва мамлакатдаги иштирокчилари нархларини адолатли таққослаш мақсадида, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида кўзда тутилган ҳолатларда, баҳолаш пайтида тегишли харажатлар (солиқлар, божхона тўловлари ва бошқа мажбуриятлар) ҳисобга олинади.
	9.14	Таклифларни кўриб чиқиш натижалари танлов комиссияси баённомасида қайд қилинади.

		9.15	Баённома танлов комиссиясининг аъзолари томонидан имзоланади, ва ундан кўчирма у имзоланган кундан бошлаб уч иш куни ичида махсус ахборот порталида чоп этилади.
		9.16	Танлов комиссияси баённомаси эълон қилинганидан сўнг танловнинг ҳар қандай иштирокчиси буюртмачига танлов натижасини тушунтириш бўйича сўров юборишга ҳақли. Бундай сўров келиб тушган пайтдан бошлаб уч иш куни давомида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришлар беришга мажбур.
10	Томонлар масъулияти ва махфийликка риоя қилиш	10.1	<p>Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўзда тутилган жавобгарлик қуйидагиларга юклатилади:</p> <p>келиб тушаётган танлов таклифлари ҳисобини юритаётган, уларнинг бутлиги ва махфийлигини таъминлаётган ишчи орган таркибига кирувчи шахслар комиссия раиси ва аъзолари маълумотларни ошкор қилиш, иштирокчилар, комиссиянинг бошқа аъзолари ва жалб қилинган экспертлар билан тил бириктиришга йўл қўйиш, шунингдек бошқа ноқонуний хатти-ҳаракатлар учун.</p> <p>шартнома бўйича мажбуриятларни (миқдор, сифат ва техник кўрсаткичлар бўйича) бажармаган танлов ғолиби, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ва/ёки тузилган шартномада кўзда тутилган тарзда жавобгар ҳисобланади.</p>
11	Бошқа шартлар	11.1	Танловда иштирок этиш истагини билдирган иштирокчилар, ўтказилаётган танлов ҳақида тушунтиришлар олиш учун “Буюртмачи” вакилига мурожаат қилишга ҳақли.
		11.2	Танлов иштирокчиси буюртмачига танлов ўтказилиши ҳақидаги эълонда келтирилган шаклдаги танлов ҳужжатлари қоидалари бўйича тушунтиришлар бериш ҳақида сўров юборишга ҳақли. Ушбу сўров буюртмачига таклифлар берилиши яқунланиши санасидан камида икки кун аввал келиб тушган тақдирда буюртмачи кўрсатилган сўров келиб тушган санадан бошлаб икки иш куни давомида белгиланган шаклда танлов ҳужжатлари қоидалари бўйича тушунтиришлар юборишга мажбур. Танлов ҳужжатлари қоидалари бўйича тушунтиришлар унинг мазмунига зид бўлмаслиги керак.
		11.3	<p>Қуйидаги ҳолларда танлов комиссияси танловни бўлиб ўтмаган деб эълон қилиши мумкин:</p> <ul style="list-style-type: none"> - танловда битта иштирокчи иштирок этган ёки ҳеч ким иштирок этмаган тақдирда; - таклифларни кўриб чиқиш яқунлари бўйича танлов комиссияси барча таклифларни танлов ҳужжатлари талабларига мос эмаслиги туфайли рад этган тақдирда.
		11.4	Ғолиб чиққан таклиф акцептигача буюртмачи исталган пайтда танловни бекор қилиши мумкин. Танлов бекор қилинган тақдирда буюртмачи махсус ахборот порталида бундай қарорнинг асосли сабабларини чоп этади.
12	Шартома тузилиши	12.1	Танлов натижаларга кўра шартнома у. билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан тақдим қилинаётган танлов ҳужжатлари ва таклифларида кўрсатилган шартларда тузилади.

		12.2	Танлов комиссияси томонидан ғолиб деб топилган танлов иштирокчиси буюртмачидан тегишли ёзма хабарнома олади.
		12.3	Танлов ғолиби танлов шартлари бўйича шартнома тузишдан бош тортган тақдирда, шартнома тузиш ҳуқуқи захирадаги ижрочига ўтади. Бунда захирадаги ижрочи танлов ғолиби таклиф қилган нархларда шартнома тузиши ёки шартнома тузишдан бош тортиши мумкин.

ИШТИРОКЧИНИНГ ФИРМАЛИ БЛАНКАСИДА

№: _____

Санаси: _____

Танлов комиссияси**БУЮРТМАЧИ**

Ўсимликлар карантини ва ҳимояси илмий-тадқиқот институти Ишлаб чиқариш цехини жорий таъмирлаш хизмат бажарувчи ташкилотни аниқлаш юзасидан жойлаштирилган танлов ҳужжати _____–сонли лот бўйича ўрганиб чиқиб, танлов ҳужжатларига мувофиқ хизматлар кўрсатиш бўйича танловда иштирок этмоқчимиз.

Шу муносабат билан электрон шаклда қуйидаги ҳужжатларни йўлламоқдамиз:

1. Танлов бўйича ҳужжатлар _____ бетда;
2. Танлов таклифининг нархга оид қисми.
3. Бошқа ҳужжатлар (*бошқа ҳужжатлар тақдим қилинган ҳолда варақлар номи ва сонини кўрсатиши шарт*).

Танлов таклифини тайёрлаш бўйича маъсул шахснинг Ф.И.О.

Мулоқот учун телефон/факс:

Электрон почта: _____

Ф.И.О. ва раҳбар ёки ваколатли шахс имзоси

Мухр ўрни

Шаклларнинг барча саҳифалари топширилаётганда танлов иштирокчиси томонидан имзоланган ва муҳрланган бўлиши зарур.

ИШТИРОКЧИНИНГ ФИРМАЛИ БЛАНКАСИДА

№: _____

Санаси: _____

Танлов комиссиясига

КАФОЛАТ ХАТИ

Ушбу билан шуни тасдиқлаймизки, _____ компанияси:
(компаниянинг номланиши)

- Қайта ташкил қилиниш, тугалланиш ёки банкротлик ҳолатида эмас.
- (буюртмачи номланиши) билан судда ёки ҳакамлик судида тортишув ҳолатига эмас.
- Аввал тузилган шартномалар бўйича керакли тарзда бажарилмаган мажбуриятлари йўқ.

Имзолар:

Раҳбарнинг Ф.И.О. _____

Бош ҳисобчи (молиявий бўлим бошлғи) Ф.И.О. _____

Ҳуқуқшунос Ф.И.О. _____

Мухр ўрни

**Шаклларнинг барча саҳифалари топширилаётганда танлов иштирокчиси
томонидан имзоланган ва муҳрланган бўлиши зарур.**